

Шеробод туманида ажримларни олди олинмоқда



Ёш оилалар билан давра сұхбати олиб борилди. Ажримга олиб келиш сабаблари үрганиб чиқилди. Оилаларнинг ажрим ёқасига олиб келаётган сабаблар ёшларнинг оиласын ҳаёт масъулиятини тушуна олмасликлари, асосий сабаблардан бири бўлиб қолаётгани афсусланарли ҳолат албатта.

Шеробод туманида ёшларни оилага тайёрлаш, ёш оилаларнинг қўллаб-куватлаш, улар ўртасида юз бераётган ажрим ҳолатларини олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтириб борилишига қарамасдан 2021 йилда Шеробод туманида 1718 та никоҳ қайд этилган бўлиб, улардан 94 таси ажрим ёқасида турибди.

Жорий йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра эса 9 нафар оила ажрим учун ариза берган. Бу ҳолат маҳаллалардаги ва оилалардаги маънавий мухитни янада соғломлаштиришни тақозо этади албатта. Оила муқаддас даргоҳ, бу қўрғоннинг баҳт масканига айлантириш эса ҳар кимнинг ўз қўлидадир. Зоро, баҳтли бўлиш, фарзандлар олдидаги бурчни тўғри англаш, ўз атрофидаги инсонларни ҳурмат қилиш, оила қадриятларини асрай билишdir.

Давра сұхбати давомида ёшларга уларнинг хуқуқ ва имтиёзлари баробарида бурчлари ҳақида ҳам атрофлича тушунтириш берилди. Ажрим ёқасидаги 11 нафар оила ўз хатоларини тушуниб етганлиги шу жойнинг ўзида яраштирилди ва 8 нафар оилаларга яраштиришга мұхлат берилди.